Published on *insonvaqonun.uz* (http://insonvaqonun.uz)



12.08.2019



Кеча, 11 явгуст куни бешинчи бор ўтказилаётган Халқаро армия ўйинларининг “Хавфсиз маршрут” йўналиши якунига етди. Унда ўзбекистонлик ҳарбийлар кучли учликдан ўрин олди.

Россия Федерациясининг Тюмень вилоятида жойлашган дала-ўқув майдонида бўлиб ўтган ярим финал баҳсида кураш олиб борган ўзбекситонлик ҳарбийлар маррани қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилди.

Ҳарбий мусобақа шарт-шароитлари жанг ҳолатига максимал яқин бўлиши учун 6000 метрга яқин беллашув йўлагига 250 дан зиёд имитацион, сигнал ва портловчи-ёнувчи зарядлардан иборат электропортловчи тармоқ ётқизиб чиқилди. Мусобақа Су-24 фронт бомбардимончиси ва Ми-8 транспорт-жангари вертолётларининг шартли авиазарбалари шароитида бошланди. Беларусь, Вьетнам, Ўзбекистон ҳамда Россия Федерацияси жамоалари ўртасида ўтказилган финал босқичи қизғин беллашувларга бой кечди.

Хусусан, вертолёт макетидан десантлаштирилган ҳолатида тушиш,  осма кўприк ва сеткали девор тўсиқлардан ўтиш, бинони портлатиб, ишғол қилиш, сим тўсиқли мина майдонни тозалаш ҳамда сувли тўсиқлардан ўтиш шартларида ўзбек муҳандис-сапёрлари пешқадамлик қилди.

Юртдошларимизнинг узунлиги 30 ва 6 метр бўлган ҳудудни миналардан тозалаш, узунлиги 40 метр бўлган сув ҳавзасига ТММ-3 (оғир мехенизациялашган кўприк) техникалари ёрдамида кўприк ўрнатиб, шахсий таркибга йўл очиш шартларидаги аниқ ҳаракатлари томошабинлар олқишига сазовар бўлди. БАТ-2 йўл қурувчи ва ИМР-2 тўсиқлардан ўтиш муҳандислик техникаси ёрдамида берилган шартларни тўлақонли бажаришга ҳаракат қилишди.

Якуний натижаларга кўра, жамоамиз мазкур мусобақада учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Россия Федерацияси биринчи, Белорусь Республикасига эса иккинчи ўрин насиб этди.

Қувонарлиси, мазкур мусобақа давомида БАТ-2 йўл қурувчи муҳандислик техникаси экипажи аъзолари – механик-ҳайдовчи, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шавқиддин

Нарзуллаев ва БАТ-2 йўл қурувчи муҳандислик техникаси ҳисоби, кичик сержант Феруз Гуччиев “АрМИ – 2019” Халқаро армия ўйинларининг “Хавфсиз маршрут” мусобақасида “Энг илғор БАТ-2 экипажи” номинацияси ғолиби дея эътироф этилди.

Эслатиб ўтамиз, III ва IV Халқаро армия ўйинларининг “Хавфсиз маршрут” мусобақаларида ҳам ҳамюртларимиз 3-ўринни қўлга киритган эди.

***Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти***

53 Чоп этиш [1] PDF [2]

## Сўнгги янгиликлар:

- Очиқ маълумотлар портали (data.gov.uz) вазифалари [3]
- Суд эшиклари халқ манфаатлари учун ҳамиша очиқ [4]
- Маиший ҳисоблагичларнинг даврий қиёсловдан ўтказиш муддатлари 4 йилдан 8 йилга узайтирилди [5]
- Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга жўнаб кетди [6]
- Газетанинг 2019 йил 33 сони нашрдан чиқди [7]
- Ўзбекистонлик ҳарбий алпинистлар Эльбурсни, ҳарбий разведкачилар эса Тар чўлини забт этди (фото) [8]
- “Қурол тўғрисида”ги қонун олти ойдан кейин кучга киради [9]
- Разведкачилар “АрМИ – 2019” мусобақасида иккинчи ўринни эгаллашди [10]
- Адлия вазири: Жамоатчилик кенгашлари учун янги даври бошланди [11]
- Мудофаа вазирлигида ҳарбий мобил инновацион тиббий марказ яратилди [12]

---

**Source URL:** http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4965

**Ссылки**
[1] http://insonvaqonun.uz/print/4965
[2] http://insonvaqonun.uz/printpdf/4965
[3] http://insonvaqonun.uz/node/4992
[4] http://insonvaqonun.uz/node/4991
[5] http://insonvaqonun.uz/node/4990
[6] http://insonvaqonun.uz/node/4989
[7] http://insonvaqonun.uz/node/4987
[8] http://insonvaqonun.uz/node/4981
[9] http://insonvaqonun.uz/node/4980
[10] http://insonvaqonun.uz/node/4977
[11] http://insonvaqonun.uz/node/4976
[12] http://insonvaqonun.uz/node/4973